Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 145 (3646)
28 ЧОРШАНБА ИЮНЬ 1978 Й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БАРЧА РЕЗЕРВЛАР— ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Тўқувчи зафари

Тўқимачилик комбинатининг донгдор тўқувчиси Анна Сергеевна Верзилина ва Ленин комсомолининг XVIII съезди делегати, 1-тўқув фабрикасининг моҳир тўқувчиси Дилбар Қулматова

БУГУН

ҒАЛАБА РАПОРТИГА ИМЗО ЧЕКИШИБ, БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТ ЙИЛИ ПЛАНИНИ УДДАЛАГАНЛИКЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛИШДИ.

Тармоқ нормадаги 24 ўрнига 48 та станокка хизмат кўрсатиб, ўз маҳоратини муттасил ошириб бораётган Дилбар Қулматова шу кунгача 1 миллион 600 минг метр «Ягодка» газламаси тўқиб берди. Шуниси қувончлики, ана шу газламанинг ҳаммасига Давлат Сифат белгиси қўйилган.

Анна Сергеевна ҳам жами 898,1 минг метр хом сурп тўқиб берди. Шу кунларда иш сифатини янада кучайтираётган моҳир тўқувчилар беш йиллик маррасини эгаллаш учун астойдил курашмоқдалар.

МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИБ

«Техслождбит прибор» бирлашмаси коллективи ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йилини муносиб меҳнат ютуқлари билан нишонлаш мақсадида социалистик мусобақани тобора авж олдирмоқда. Мураббийликнинг ёшларга ғамхўрлиги, ишчиларнинг аралаш касбларни мукаммал эгаллаш учун олиб бораётган изланишлари яхши натижаларга омил бўляпти. Техника ва технология, иш вақтидан самарали фойдаланиш туфайли бирлашма коллективи биринчи квартал якунига кўра Тошкентдаги маиший хизмат корхоналари ўртасида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Ишлаб чиқариш соҳасида қўлга киритган юксак кўрсаткичлари учун корхонага Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Бирлашма ишчи ва хизматчилари эришилган юксак натижаларни янада бойитиш учун изланишни давом эттирмоқдалар. Буюртмаларни ўз вақтида бажаришда И. Ҳайитов, Н. Зарипов, А. Ильяхўжаев, В. Спиридонов, И. Соломатинлар намунали ишлашяпти. Улар кунлик топшириқни 110—120 процент бажариши билан бирга ишни фақат «аъло» сифатда уддалашяпти.

• *Тошкент—жаҳонга*

БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

БУГУН

«Ташсельмаш» заводи Грециянинг иккинчи квартал учун берган буюртмасини бажарди. Бу мамлакатга 17 ХВ—1,8Б маркали пахта териш машиналарининг навбатдаги туркуми юборилди. Шу билан иккинчи кварталда ана шу мамлакатга жўнатилган пахта териш машиналари 60 дан ошди.

Эрон мамлакати ҳам Тошкентда тайёрланган бундай машиналарнинг катта туркумини сотиб олди.

Машинасозлар Руминия, Болгария ва бошқа мамлакатларнинг буюртмаларини ҳам бажариб беришди.

Бадиий буюмлар фабрикаси Октябрь районидаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Фабрика меҳнат аҳли ойдан-ойга кўплаб миллий буюмлар ишлаб чиқармоқда. Корхонанинг маҳсулоти чет элларда ҳам шуҳрат қозонган. Сиз ушбу суратда попоп цехи попопчилар бригадаси етакчиси Рашида Шарофиддинова ва тикувчи Дилбар Ёқубовани кўриб турибсиз. Улар смена топшириқларини ортиғи билан адо этишиб, коллектив ютуғига муносиб ҳисса қўшиб келишяпти.

И. Шонноғомов фотоси.

• *БЕШ ЙИЛЛИК ВАХТАСИДА*

Пойафзалчилар машъали

Тамара Рисқулованинг тайёрлов цехининг ишчилари— ҳамкасблари ва шогирдлари самимий табриклашди. У беш йиллик бошида бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилган эди.

БУГУН

илғор ишчи берган ваъдасини муваффақиятли адо этганлиги тўғрисида меҳнат ва иш ҳақи бўлими иқтисодчилари хушхабар тарқатишди.

Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-пойафзал фабрикасида халқ депутатлари Чилонзор район Советининг депутати Т. Рисқуловага тенглашиб ишлаётган машъаллар сони кўпайиб бормоқда. 2-цех таг чарм кесувчиси М. Ходиев, Акмал Икромов район Совети депутати В. Савина, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Б. Кряжева ва бошқа илғорлар шулар жумласидандир. Илғорларнинг меҳнат шижоати туфайли корхона ярим йиллик топшириқни муддатидан илгари бажарди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● 26 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинга ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громикога Перунинг олий мукофотлари— «Перу қуёши» ордени катта крестларини топшириш маросими ўтказилди.

● **1978 йил 27 июнда Москва вақти билан соат 18 дан 27 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз — 30» космик кемаси учирилди.**

Космик кемани халқаро экипаж: кема командири икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Петр Климук ва тадқиқотчи космонавт — Польша Халқ Республикасининг гражданн Мирослав Гермашевскийлар бошқариб бормоқда.

СОВЕТ ЖУРНАЛИСТИНИНГ ЮКСАК ВАЗИФАСИ

27 июнь куни республика пойтахтининг журналистлари, меҳнат коллективларининг намояндалари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ходимлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залига келишди. Бу ерда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Ўзбекистон Информация агентлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев очди.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайладилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Ўзбекистон Информация агентлигига йўллаган табрикномаси гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков ўқиб эшиттирди.

Республика меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашдаги, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этишдаги хизматлари учун ва ташкил этилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Информация агентлигига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Агентликнинг бир группа ходимларига фахрий мукофотлар топширилди.

Ўзбекистон Информация агентлигининг директори Ҳ. Ю. Аслиддинова Ўзбекистон Информация агентлигининг 60 йил мобайнида босиб ўтган йўли тўғрисида, унинг КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасидаги фаолияти ҳақида гапириб берди.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори М. Қ. Қориев, «Правда Востока» газетасининг редактори Н. Ф. Тимофеев, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети раиси У. Е. Иброҳимов, «Хорезмская правда» газетасининг редактори В. С. Мильготин агентлик ходимларини самимий табрикладилар.

Йиғилиш минбаридан совет журналистларининг юксак бурчи тўғрисида, матбуотимизнинг КПСС XXV съезди тарихий қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежнев докладлари ва нутқларида баён этилган йўл-йўриқлар ва тавсияларни амалга оширишдаги буюк роли ҳақида айтилган сўзлар янгради. Ишлаб чиқариш новаторларининг илғор тажрибаси тўғрисида, республика меҳнаткашларининг ажойиб зафарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ташкилотчилик фаолияти тўғрисида газетхонларга мароқли, тушунарли тарзда оператив ҳикоя қилиб бериш журналистларнинг фахрли бурчи эканлиги таъкидланди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

Маданий хизмат намунаси

«Зарбдор йил топшириғи — саккиз ойда!» Шаҳар пассажир автотранспорти бошқармасига қарашли 2-таксопаркнинг ҳайдовчиси Р. Муҳамедов КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг мамлакатнинг меҳнаткашларига йўллаган Мактуби 2-колонна транспортчилари ўртасида муҳокама қилинаётганда йиллик топшириқни саккиз ойда бажариш мажбуриятини олган эди. Унинг издошлари ҳозир корхонада 25 кишига етди. Булар орасида М. Худоёров, С. Усмонов, С. Фролов, В. Орлов каби пешқадам шофёрлар бор.

БУГУН

3-таксомотор парки коллективи ярим йиллик топшириқни ва социалистик мажбуриятни муддатидан илгари бажарганлиги тўғрисида бошқармага ғалаба рапорти берди.

Хизмат маданиятини тобора ошираётган транспортчилар ярим йилда пландагидан 3 миллион километрдан ортиқ йўл босишга эришиб, даромад планини 6,5 процент ошириб бажаришга муваффақ бўлди.

Корхонанинг юқорида номлари келтирилган 30 га яқин ҳайдовчилари йиллик планни саккиз ойда бажариб, 1 сентябрдан оталиққа олинган Жиззах областининг Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз далаларида етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини йиғиб териб олиш учун жўнаб кетадилар.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БИР КУНИ

Ўзбекистон ССР кўрлар жамиятига қарашли картон ва қоғоз буюмлари фабрикаси коллективи

БУГУН

1978 йилнинг ярим йиллик топшириғини муддатидан илгари адо этиб, пландан ташқари 80 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Фабрика меҳнат аҳли шаҳримиздаги «Электроаппарат», тикувчилик, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмалари, 1-пойафзал фабрикаси, «Миконд», кўн-мўйна заводлари ва бошқа корхоналарнинг буюртмаларини тез ва соз бажариб берди.

Картон-қоғозчилар меҳнат унумдорлигини ўстириш борасида катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириб келяпти. Ўтган саккиз йил мобайнида фабрика цехларидаги эски дастгоҳлар бутунлай янгилари билан алмаштириб бўлинди. Картон қутиларни йиғувчи, сим бойловчи ва шунга ўхшаш 40 дан ортиқ янги агрегатлар ишга туширилди. Натижада 1970 йилга нисбатан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 баравар ўсди.

Кундан-кунга авж олаётган меҳнат беллашувида пешқадамлик қилиб келаётган А. Муҳамедов, Я. Разовский, Х. Қозихонова, И. Иброҳимов каби ишчилар коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшишиб, ҳозирда 1979—1980 йиллар ҳисобига маҳсулот тайёрламоқдалар.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ПРАГА. Бу йил Чехословакия давлат бюджетидан 20 миллиард крона халқ соғлиғини сақлаш эҳтиёжларига ажратилади. Бу маблағлар аҳолига медицина хизмати кўрсатиш системасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга сарфланади.

Катта-катта маблағ ажратилаётганлиги шаҳар ва қишлоқларнинг барча аҳолисига бепул медицина ёрдами кўрсатилишини таъминлаш имконини берди. Статистика маълумотларининг далолат беришича, ҳозирги вақтда ЧССРда жами 300 мингдан кўпроқ медицина ходими бор. 324 аҳолига эса бир врач тўғри келади.

АФИНА. Грециянинг Салоники шаҳрида бундан уч кун муқаддам ер қаттиқ силкинган эди. Шу шаҳар районида кучсиз ер ости силкинишлари давом этмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, табиий офатдан 38 киши қурбон бўлган, шаҳарнинг юзлаб аҳолиси жароҳатланган. Грецияда катталиги жиҳатидан иккинчи бўлган шу шаҳарни зилзила куни ташлаб чиқиб кетган 500.000 кишининг кўпчилиги ҳали ҳам атроф-теваракдаги қишлоқларда яшаб турибди.

ТОКИО. Япония меҳнаткашлари, демократик кучлари ва тинчликсевар жамоатчилиги Япония— Америка хавфсизлик шартномасини бекор қилиш Пентагоннинг Япония диёридаги ҳарбий базаларини тугатиш учун якдил ҳаракат кунини ўтказдилар. Бутун мамлакатда ўтказилган оммавий митинглар ва норозилик юришларида тинчлик тарафдорлари Япония ҳукмрон доираларининг АҚШ билан ҳарбий иттифоқини янада мустаҳкамлашга, конституцияга хилоф суръатда тузилган «Ўз-ўзини мудофаа кучлари»ни кўпайтиришга қаратилган сиёсатини қораладилар.

БОГОТА. Колумбия Коммунистик партияси ҳозирги режимга нисбатан оппозицияда бўлган Колумбия Компартияси Марказий ижроия комитетининг бу ерда тарқатилган баёнотида бу фронтнинг асосий вазифаси мамлакатда демократик ўзгартишлар учун курашдан иборатдир, дейилади.

Компартия шуни кўрсатиб ўтдики, яқинда Колумбияда бўлиб ўтган президент сайлови халқ оммаси мавжуд режимдан норози эканлигини намойиш қилди.

АҲДГА ЯРАША

Тошкент тепловоз депосининг С. Балюра бошлиқ пассажир машинистлари колоннаси партия ва ҳукуматимизнинг Мактубига жавобан шу йилнинг 20 декабрига қадар 100 тонна ёқилғини тежаб қолишга аҳд қилган эди.

Тежалган бу ёқилғи ҳисобига пойтахт атрофидаги шаҳарларга қатновчи поездлар, жумладан «Тошкент—Дарбоза» оралиғидаги (масофаси 40 километр) пассажир поезди 800 марта бориб келиши мумкин.

Ички резервлардан оқилона фойдаланиб, коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшаётган М. Горяйнов, Л. Чуев, Х. Абдураҳимов, Х. Маллабоев ва бошқа кўплаб машинистлар шу йилнинг биринчи кварталидаёқ 13 тоннадан зиёд ёқилғи тежаб қолишди.

М. ҲАКИМОВ.

«ЛОЛА» ЛЕНИНГРАДГА БОРАДИ

«Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида ишлаб турган «Лола» вокал-чолғу ансамбли ўзининг ижрочилик маҳорати билан шуҳрат қозонмоқда. Ҳаваскорлик коллективи турли жойларда мароқли концертлар бериш билан бирга яқинда республикамиз бўйича ўтказилган «Биз — ватанпарвар интернационалистлармиз» деган кўрикнинг лауреати бўлган эди.

Яқинда бу коллектив Свердлов номли концерт залида етук санъат коллективлари билан бирга ўз маҳоратини намойиш қилди. Айниқса унинг Гаванада бўладиган халқаро фестиваль олдидан тайёрлаган «Че Гевара» қўшиғи томошабинларга манзур бўлди. Бундан ташқари ансамблнинг «Ватан қўшиғи», «Гулдаста», «Лола», «Бирдамлик» сингари ашулалари ўзининг жозибаси билан томошабинга завқ бағишлади.

БУГУН

республика Маданият министрлиги ва Ўзбекистон бадиий ҳаваскорлик уйи ана шу ҳаваскорлик коллективини Бутуниттифоқ эстрада артистларининг конкурсига юбориш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу йилнинг кузида Ленинград шаҳрида ўтказиладиган бу катта ва масъулиятли конкурс кичик ҳаваскорлик коллективи учун энг қизғин имтиҳондир.

Ҳаваскорлар Бутуниттифоқ даврасида талабчан жюрига ўз маҳоратини манзур қила олиш учун қизғин тайёргарлик кўрабошлашди.

БРИГАДА ҲИММАТИ

159-трест 13-қурилиш бошқармасининг Ленин ордени кавалери Тўлқин Самиғов бошчилик қилаётган комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси коллективи қурилиш ишларини жадаллаштиришда ҳиммат кўрсатмоқда.

БУГУН

илғор бригада коллективи келгуси йилнинг июль ойи ҳисобига меҳнат қила бошлади. Ойлик топшириқларни ҳамиша 10 процентдан ошириб бажариш натижасида ана шундай муносиб муваффақиятга эришилди.

Республика илғор қурилиш бошқармаларининг беш йиллик топшириқни уч ярим йилда бажариш ташаббусини қўллаб қувватлаган бу коллективда қурилиш ишлари зиммага олинган мажбурият бўйича бормоқда.

Яқинда бригада коллективи Жуковский кўчасида 40 квартирали уйни фойдаланишга топширгандан кейин, Киров районининг Халқобод кўчасида 64 квартирали тўрт қаватли уй-жой биносида деворларни тиклаш ишларини олиб боряпти. Улар бу ерда тезкорлик билан ишлаш натижасида пардозлаш ишларини олиб бориш учун ҳам имконият яратиб беришди.

«ТАШЭЛЕКТРОМАШ» ЗАВОДИ. Бу ердан ҳар куни мамлакатимизнинг турли бурчакларига кўплаб ТД—502 маркали пайвандлаш трансформаторлари жўнатилади. Йиғув цехининг Сергей Гладишев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективи смена мобайнида 280 та ўрнига 300 комплект трансформатор йиғиб бермоқда.

СУРАТДА: бригаданинг энг илғор слесарь йиғувчилари (чапдан-ўнгга) И. Мальцев, О. Дроздов, В. Зудкин, Ю. Голеня ва С. Гладишев навбатдаги вазифаларни белгилаб олишмоқда.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

УЗБЕКИСТОН ССРДА ЯШАЙДИГАН КУП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА «ҚАҲРАМОН ОНА» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТУҒРИСИДА

Ўн ва ундан кўп бола туғиб тарбиялаган оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин ҳамда уларга «Қаҳрамон она» ордени ва СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

1. **Абдураҳмонова** Сораҳон— уй бекаси.
2. **Аъзамова** Қумри —уй бекаси.
3. **Аълаева** Мубор Тўлагановна —ишчи.
4. **Бобохонова** Холпошша— ишчи.
5. **Зайнутдинова** Маъруфа Зиёмовна— ишчи.
6. **Мамадалиева** Нафиса— уй бекаси.
7. **Мансурова** Мубор— уй бекаси.
8. **Миралиева** Раъно Шароповна—ишчи.
9. **Муҳаммадалиева** Апан— уй бекаси.
10. **Сатибоева** Мубор —уй бекаси.
11. **Тошматова** Рихси Одиловна— уй бекаси.
12. **Тошпўлатова** Ҳанифа —уй бекаси.
13. **Ҳасанова** Раъно— уй бекаси.
14. **Ҳасанова** Салима — уй бекаси.
15. **Ҳикматова** Зуҳра —уй бекаси.
16. **Шоғиёсова** Раънохон— ишчи.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари.

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил, 20 июнь.

ҚУРУВЧИЛАР ҲИССАСИ

«Главташкентстрой»га қарашли 8-қурилиш тресті 4-қурилиш бошқармасининг етакчи коллективларидан ҳисобланган Солижон Рустамов бошлиқ комплекс бригада 9 Май кўчасида физкультура билан даволаш диспансери ва поликлиника биносини бунёд этяпти.

БУГУН

объектда барча умумий қурилиш-монтаж ишлари ниҳоясига етди.

Бунда ғишт терувчи Донди Зокиров, дурадгор Василий Грачев каби ишлаб чиқариш пешқадамларининг ҳиссалари катта бўлди.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ИЛГАРИГИ ЙЎЛДАН

Яқинда Исроил парламенти (Кнессет) босиб олинган араб территорияларини, жумладан, Иордан дарёси ғарб соҳили ва Газо секторининг келажаги тўғрисида Тель-Авив ҳукмрон доиралари позициясини белгилаб берган ҳукумат қарорини тасдиқлади. Гап шундаки, Исроил ҳукуматининг бирқанча аъзолари (албатта Вашингтоннинг ёрдамида) янги «ташаббус» кўрсатдилар. Улар Миср билан сепарат тилбириктиришни тезлаштириш, бир йўла араб мамлакатларида можарога тортилган бошқа мамлакатларни агрессорнинг шартларига таслим бўлишга, жумладан Иорданияни тортишга уриниб кўриш мақсадида Исроилнинг позициясини жуда «пухта» позиция деб кўрсатишга қарор қилдилар.

Аммо мамлакатнинг бош министри М. Бегин бошчилигидаги қайсар «қузғунлар» шу «конструктив» тадбирни ҳам найза билан қарши олдилар. Кнессет муҳокама натижасида «оккупация» қилинган шу территорияларнинг келажаги тўғрисидаги масалани... камида беш йилга кечиктиришга қарор қилди. Бошқача қилиб айтганда, бу иш Бегиннинг машъум «тинчлик плани»да кўзда тутилган чекланган «ўз ўзини бошқариш» даври тамом бўлгунча кечиктирилади.

Исроил қўшинларини батамом олиб чиқиб кетиш ва оккупация қилиб олинган территорияларда суверен, мустақил Фаластин давлатини тузиш ўрнига бу «тинчлик плани» торгина доирада «ўз-ўзини бошқарадиган автономия» тузишни кўзда тутади. Уни амалда яна ўша Исроилнинг найзалари назорат қилиб туради.

Хуллас, Кнессет қабул қилган қарор ўз моҳияти билан Тель-Авив тинчликка интилаётганлиги тўғрисида сафсата сотаётганлигига қарамай, ўзининг босиб олиш ва экспансиячилик йўлидан бир қадам ҳам орқага чекинмаганлигини билдиради.

Парламентнинг қарори қаттиқ танқидга дучор бўлди. Байрутдаги «Аш-шарқ» газетаси бундай деб ёзади: Исроил араб ерларини босиб олганлигини абадийлаштириш ниятига содиқ бўлиб қолди. Тель-Авив Яқин Шарқдаги можарони бартараф этишнинг асосий масалаларидан бирини йўққа чиқариб, деб ёзади Францияда чиқадиган «Фигаро» газетаси, бу территорияларнинг тақдиринигина эмас, балки шу районда келажакда тинчлик истиқболларини ҳам шубҳа остида қолдирди.

Шунга қарамай, Тель-Авивнинг шу қадар қаттиқ позицияси ҳам Қоҳирада ижобий кутиб олинди. Миср президенти А. Садат Америка телевидениеси мухбири билан суҳбатда Исроил «қузғунлари» билан якка-якка музокара олиб боришга тайёр эканлигини ва келажакда ҳам шу йўлдан боришини билдирди. Бу билан у ўзининг тор ғаразгўйлик мақсадларига эришиш учун бундан кейин араб халқларининг манфаатларига хиёнат қилишга тайёр эканлигини тасдиқлади.

С. СТОКЛИЦКИЙ,

ТАСС шарҳловчиси.

• Депутат минбари

МУҲИМ ОМИЛ

Октябрь революцияси номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли тепловоз ремонти заводининг меҳнат коллективи беш йилликнинг учинчи йилида зарбдорона ишлашмоқда. Ўтган йили ЧМЭ-2 серияли тепловозлар ҳамда вагонларни ремонт қилиш тўхтатилди. Корхона цехларида ягона сериядаги тепловозлар ремонт қилишга ўтилганлиги — тепловозлар ва электр машиналарининг бир мунча сифатли ремонт қилиниши имконини бермоқда. Шу билан бирга, у тайёрланаётган маҳсулот сифатини оширишнинг ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда.

Корхонамиз реконструкция қилинадиган корхоналар қаторига киритилди. Заводни реконструкция қилиш тўғрисидаги техника-иқтисодий кўрсаткичларига кўра унинг программ қуввати 2ТЭ 10 Л ва 2ТЭ116 сериядаги тепловозлар секциясидан етти юзтасини ремонт қилишга мўлжалланган. Завод цехларида беш йилдан буён 2ТЭ10Л серияли тепловозларни ремонт қилишда катта тажриба орттирилди. Завод цехлари реконструкция қилиниб, ишлаб чиқариш участкалари мослаштирилгач, 2ТЭ 116 сериядаги тепловозларни ремонт қилишга киришилади.

Корхонамиз ишчилари ва хизматчилари москваликларнинг «Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача» ташаббусини якдиллик билан қувватладилар. Бу ташаббусни корхонада биринчи бўлиб. юбилей йилидаги фидокорона меҳнатлари учун «Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги коллективи» деган шарафли номга сазовор бўлган пўлат қуюв цехи коллективи. электр машина цехининг Николай Железнов, якор цехининг Мухлиса Зарипова, тепловоз цехининг Владимир Чичин бошлиқ бригада аъзолари бошлаб беришди. Бу пешқадам коллективларга темирчилик цехининг бутун коллективи, пўлат қуюв цехининг А. Захаров, ғилдирак цехининг И. Сиротин бошлиқ бригада аъзолари, бошқа кўплаб ишчилар эргашдилар ва тенглашдилар.

Асбобсозлик цехининг барча меҳнаткашлари москваликларнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилдилар. Йил бошидан буён қилинган фидокорона меҳнат ўз самарасини кўрсатди. Янги маркадаги тепловоз секцияларини ремонт қилишни ўзлаштирган коллектив йил бошидан буён планга қўшимча 64 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Мен кўп йиллардан буён заводда слесарь бўлиб ишладим. Эндиликда мастерлик қиляпман. Мен ва ҳамкасбим — асбобсозлик цехи слесарлар бригадасининг бошлиғи Владимир Михайлович Осипов шаҳар Советига депутат қилиб сайландик. Биз бу шарафли вазифани сайловчиларнинг берган ҳамма наказларини бажариш. зарбдор меҳнатимиз билан оқлаб келяпмиз.

Корхонада ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш. корхона фаолияти учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ишнинг бир меъёрда боришида айниқса маиший масалаларнинг ҳал этилиши муҳим аҳамиятга эга. Завод ишчилари учун уй-жой қурилиши кенг миқёсда олиб бориляпти. Тўқсон квартирали уй қурилмоқда. завод ишчилари учун ётоқхона биноси қурилиши масаласи ҳал этиляпти. Сайловчилардан тушаётган наказларнинг ижобий ҳал этилишида, ўнинчи беш йиллик вазифаларининг муваффақиятли равишда амалга оширилишида корхона меҳнаткашларини сафарбар этиш биз. халқ депутатларининг асосий вазифамиздир.

Т. ҚИДИРАЛИЕВ,
Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводининг мастери, шаҳар Совети депутати.



◆ ШАҲРИМ— ФАХРИМ

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Пойтахтимиз бугунги кунда ўзининг кўрки-чиройи ва ободончилиги билан кўзни қувонтирмоқда. Унинг муҳташам проспектлари, хушманзара оромгоҳлари, бир-биридан гўзал майдонлари катта таассурот қолдирмоқда. Шаҳримизнинг бугунги қиёфаси қанчалик чиройли ва жозибали бўлса, унинг эртанги қиёфаси ундан ҳам гўзал, ҳашаматли ва улуғвордир.

Пойтахтимизда олиб борилаётган улкан ободончилик ишлари, шаҳарни янада ривожлантириш бўйича истиқбол режалари бунга гувоҳлик беради. Тошкентни қайта қуриш ва ободонлаштириш режаларига мувофиқ ҳар бир районни янги турар жой кварталлари, проспектлар ва ободончилик объектлари билан кўркамлаштириш кўзда тутилган. Бу режаларда Киров районининг истиқбол плани айниқса диққатга сазовордир.

Зилзиладан қаттиқ шикастланган районда қисқа вақт мобайнида жойлашиши ва афзалликлари жиҳатидан бир-бирини такрорламайдиган турар жой кварталлари, муҳташам меъморчилик комплекслари қад кўтарди. Бугунги кунда районнинг турар жой фонди 2.3 миллион квадрат метрни ташкил этади. Уларнинг 80 процентдан кўпроғи янгидан қурилган бинолар бўлиб барча коммунал қулайликларига эга.

— 1980 йилга бориб. район аҳолиси яна 95 минг кишига кўпаяди ва 305 минг нафар аҳолини ташкил этади, — дейди район Советининг ижроия комитети раиси О. Расулов. — Шунга мувофиқ равишда районни янада ободонлаштириш ва ривожлантириш ишлари олиб борилади. Ҳозир, пойтахтимиз лойиҳалаш институтларида районнинг турар жой фондини янада кенгайтириш, муҳташам. оригинал қиёфадаги уй-жой биноларини лойиҳалаш ишлари амалга оширилмоқда.

«Ташгипрогор» институтининг Ю. Иванников бошлиқ 8-лойиҳа устахонаси меъморлари Жаҳон Обидова ва Тимирязов кўчалари туташган жойда қуриладиган «Бодомзор» кварталининг лойиҳалари устида иш олиб боришмоқда. Шу кунларда бу ерда ушбу устахона меъморлари яратган лойиҳа асосида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмаси учун тўрт қаватли турар жой ва ётоқхона қурилиши бошлаб юборилди. Янги кварталнинг Энгельс ва Тимирязев кўчалари оралиғидаги қисмида эса мавжуд эски бинолар бузилиб, уларнинг ўрнида тўққиз қаватли турар жой бинолари қурилади. Бу бинолар чиройли қуёш тўсқич мосламалари билан жиҳозланади. Уларнинг қуйи қаватларида эса магазин, ошхона каби турли аҳолига хизмат кўрсатадиган муассасалар комплекси жойлашади.

Ҳозир ишлаб чиқилаётган лойиҳаларга мувофиқ бу квартал атрофи районнинг ўзига хос маданий марказга айланиши кўзда тутилган. Шунга мувофиқ, кварталнинг Алоқа ва электротехника институти томонидан осмонўпар бинолар қурилиб улар бу ернинг кўркига-кўрк қўшади.

Юнусобод массиви қурилиши ҳам давом эттирилади ва у келажакда Киров районнинг саноат ҳамда фан-техника марказига айлантирилади. Юнусободнинг «Г» кварталида катта майдонни эгалловчи республика типографияси қурилади. ДОСААФнинг ўқув-спорт иншооти ва бошқа кўплаб ноёб иншоотлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги колхози территориясидан ажратиладиган 10 гектар майдонга эса Ҳисоблаш маркази бўлган кибернетика институтининг базаси қурилади. «Химчистка» фабрикаси каби муҳим маиший хизмат объектлари ҳам ана шу массивдан жой олади.

Массив аҳолисига маданий ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида Чимкент трактида қурилаётган биноларда саноат моллари магазини ва гастроном фойдаланишга топширилади. Аҳмад Дониш ва Энгельс кўчалари кесишган жойда катта мебель магазини харидорларга эшикларини очади.

Уй-жой қурилишига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти. Аҳмад Дониш, Энгельс, Хуршид ва бошқа кўчалар атрофида янги кварталлар қурилиб, уларда 9-12 қаватли бинолар қад кўтаради. Ўнинчи беш йиллик мобайнида ҳаммаси бўлиб 609 минг квадрат метр турар жой майдонини фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Ўтган икки йил ичида 128.4 минг квадрат метр уй-жойлар қуриб битказилди. Келгуси йил эса уй-жой қурилиши миқёси бир қадар ошиб, 296.4 минг квадрат-метрни ташкил этади.

Аҳмад Дониш ва Ҳалқа йўли қайта қурилиб, унинг атрофида тўққиз қаватли панелли бинолар жойлашади. Энгельс кўчасида Алоқа министрлиги ва Автомобиль йўллари институтининг ётоқхоналари қурилиши олиб борилмоқда. Районда СВ—1, СД—2, СБ—3 каби янги микрорайонлар қуриш кўзда тутиляпти. СБ—1 микрорайони ғиштин бинолардан иборат бўлади. СД—3 микрорайонида эса 16 қаватли экспериментал турар жой биноларини қуриш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, ТашГРЭС микрорайонидаги эски биноларни бузиб ташлаш ҳисобига уларнинг ўрнида барча коммунал қулайликларга эга бўлган тўрт қаватли турар жой бинолари қурилади.

Районнинг марказий қисмида Ленин ва Хуршид кўчалари туташадиган жойда иккита тўққиз қаватли турар жой биноси қурилиб, унинг биринчи қаватида улкан маиший хизмат уйи ишга туширилади. 1 Май ва Энгельс кўчаларида эса бу йил Бош почтамт, «Узорггазналадка» институти биноси каби меъморчилик иншоотлари фойдаланишга топширилади.

«Узколхозстрой» бирлашмасининг 14 қаватли инженерлик лабораторияси корпуси ташқи қиёфаси жиҳатидан оригинал бино бўлиб, у Энгельс ва Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти бурчагида қад кўтармоқда. Энгельс кўчасида йирик спорт комплекси, Абразив заводининг шимол томонида эса икки гектар майдонни эгаллайдиган яна бир спорт комплекси қад кўтаради.

Шу кунларда москвалик меъморлар лойиҳаси асосида қурилиш ишлари бошлаб юборилган Тошкент телемарказининг улкан минораси Бўзсув соҳилида қад кўтарадиган ноёб архитектура иншоотларидан бири бўлиб, у пойтахтимиз қиёфасига ажиб гўзаллик бахш этади.

Ҳозир бу ерда қурилишга пойдевор тайёрлаш. унинг атрофини ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти.

Академик Сулаймонова кўчасини қайта қуриш ишлари давом эттирилади. Шу кунларда Навоий ва Сулаймонова кўчалари оралиғида «УзНИИградостроительство» институти меъморлари яратган лойиҳа асосида Алишер Навоий номли республика кутубхонасининг 16 қаватли биноси қурилиши олиб борилмоқда. Бу ерда яқинда яна бир муҳаташам бино— шаҳар никоҳ саройи биноси қурилиши бошлаб юборилди.

Тошкентдаги турар жой ва жамоат биноларини экспериментал лойиҳалаш зонал илмий-тадқиқот институтида эса Навоий, Энгельс ва Сулаймонова кўчалари оралиғида қад кўтарадиган осмонўпар меҳмонхона лойиҳаси яратилмоқда. Киров кўчаси ва Округ офицерлар уйи бинолари оралиғида эса Ўзбекистон кино санъати музейи жойлашади. Бу ўзига хос меъморчилик комплексида кинофильмлар томоша қилинадиган зал ҳам бўлади.

Шу кунларда Анҳор канали соҳилида Горький номли рус драма театрининг 900 ўринли биноси қурилиши ҳам олиб бориляпти. Уни 1980 йилда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу беш йиллик охирига қадар «Марказ-4» ва «Марказ-5» кварталлари қурилиши ҳам ниҳоясига етказилади.

Энгельс кўчасининг «Дўстлик» меҳмонхонаси ва ҳозирги мавжуд кафе оралиғида эса Монтаж ва махсус қурилиш министрлигининг ўн бир қаватли ҳисоблаш маркази биноси қад кўтаради. Бу оригинал кўринишидаги муҳташам бино лойиҳаси шу кунларда «Ташгипрогор» институти меъморлари томонидан яратиляпти. Бундан ташқари, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектидан Аҳмад Дониш кўчасига троллейбус линияси қуриш ва бошқа ўнлаб бир-биридан қизиқарли режалар кўзда тутилмоқда. Бу истиқболли режалар пойтахтимизни янада кўркамлаштириш ва ободонлаштириш мақсадларига қаратилган.

М. АБДУЛЛАЕВ.

СУРАТДА: «Ташгипрогор» институти меъморлари томонидан яратилган тўққиз қаватли турар жой биносининг макети. Бу кўркам бино Жаҳон Обидова кўчасида қад кўтаради.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН — УЧ ЙИЛДА

«Ташхимсельмаш» заводи коллективи беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини муддатидан илгари адо этиш учун астойдил меҳнат қиляпти. Корхона аҳли ўртасида бошлангач ўзаро социалистик мусобақа тобора қулоч отмоқда. Мусобақа ғолибларининг иш тажрибалари кенг ёйиляпти.

Заводнинг жуда кўплаб пешқадам ишчилари йиллик планни СССР Конституциясининг бир йиллиги кунигача бажаришга қарор қилишган. Шулардан бири Николай Иванович Никулиндир. Бу мураббий ишчи 30 йилдан бери корхонада ишлаб кўплаб шогирдлар етиштирди. Эндиликда улар устозлари билан ёнма-ён меҳнат қилишяпти.

Николай Иванович доимо кунлик топшириқларини 150—160 процентга етказиб адо этиш билан бирга сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради. У беш йиллик шахсий топшириқларини уч йилда бажаришга аҳд қилган.

• Касб танлаш ҳақидаги ишчи ўйлари

МЕҲНАТДА ЧИНИҚИНГ

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

Баъзан кўча-кўйда, жамоат жойларида собиқ синфдошларим, болаликдаги дўстларим ва таниш-билишларим билан учрашиб қоламан. Шунда одатдагидек ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг, гап асосан нима билан шуғулланаётганимиз, ҳаётда қандай касб танлаганимиз ва шу танлаган касбимиз орқали қандай турмуш кечираётганлигимиз ҳақида боради. Дўстларимнинг кўпчилиги ўз оталари изидан бориб, қурилишларда, саноат корхоналарида оддий ишчи бўлиб ишлаётганликлари, ишчи касби орқали коллективларида обрў-эътибор қозонганликлари. тўқ ва фаровон турмуш кечираётганликлари ҳақида тўлқинланиб гапиришади. Партия ва ҳукуматимизнинг ишчиларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан беҳад қувонишади. Дўстларимнинг қувончини кўриб, мен ҳам уларнинг қувончига шерик бўлгим келади. Ахир, қувонмай ҳам бўладими? Мен билан кечки мактабда бирга ўқиган, ҳозир эса «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тикувчи-мотористка бўлиб ишлаётган Маъмура Пўлатова Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, ВЛКСМ XVII съезди делегати, тикувчилик бирлашмаси комсомол комитети секретарининг ўринбосари бўлди. Ёки корхонамиздаги ҳамкасбим Наташа Карниенковани мисолга олай. У оддий ишчидан мастерликка кўтарилиб, Тошкент шаҳар Советининг депутатлигига сайланди. Бу чакана гапми. Мана шу дилкаш, камтарин ва меҳнаткаш, ишчи деган улуғ номни эъзозлаб, меҳнатда обрў-эътибор қозонган дўстларим билан учрашганимда кўнглим хушнуд бўлиб кетади. Улар билан кўпроқ суҳбатлашгим, бой меҳнат тажрибаларини ўргангим келади.

Лекин баъзида, ошдаги курмакдай бўлиб, завод ва фабрикаларда «қора ишчи» бўлишга ор қилиб «ўтдан сўз, бўтдан сўз» қабилида енгил-елпи ишларда ишлаб юрган танишларимни учратиб қоламан-у, ғазабим қайнаб кетади. Шундайларни кўрганимда ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларимда илмий мудиримизнинг: «Болалар, ўрта мактабни тугатгандан сўнг ҳар бирингиз ўзингизга муносиб касб танлашингиз лозим. Мен шуни айтмоқчиманки, ҳаётда ҳеч қачон пул кетидан қувманглар, аксинча пул сизларни ахтарсин», деб айтган сўзлари ёдимга келади.

Коммунистик ахлоқ кодексида ёзилган «Ишлаган — тишлайди, ишламаган— тишламайди» деган сўзлар жуда ҳам ҳақли. Чиндан ҳам меҳнат қилган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Меҳнат қилган инсоннинг ҳурмати эл-юрт олдида тобора ортиб боради, унинг турмуши ҳам янада гўзал, янада серфайзли бўлади. Меҳнатдан бўйин товлаган кишиларнинг эса ҳеч иши юришмайди.

Мен ўзим ишчи оиласидан бўлганимданми ёки ишчи касбини жон-дилимдан севиб қолганимданми, уни эъзозлаб келмоқдаман. Дадамлар 40 йилдан ортиқ қурилишда самарали меҳнат қилиб, ҳозирги кунда пенсияга чиқиб, қарилик гаштини сурмоқдалар. Акамлар ҳам дадам изидан бориб, қурилишда ишламоқдалар. Мен ўзим эса мана тўққиз йилдирки, 2-кўн заводида меҳнат қилиб келмоқдаман. Баъзан бетоб бўлиб ишга чиқолмай қолган кунларим бутун ҳаёлим, фикри-зикрим қадрдон заводимда, меҳнат қилаётган жонажон цехимда бўлади. «Қани энди тезроқ тузалиб кетсам-у, яна меҳрибон, меҳнаткаш коллективим қучоғида бўлсам» дейман... Ахир, мана шу жонажон коллективим, қадрдон заводим мени катта ҳаёт бўсағасига олиб чиқиб, ҳақиқий инсон қилиб етиштирмадими?.. Мен ўз коллективимдан бир умрга қарздорман. Мана шу қарзимни ўзимнинг меҳнатдаги юқори кўрсаткичларим билан узишга ҳаракат қилиб келмоқдаман.

Кўпинча цехимизга эндигина етуклик аттестати олган йигит ва қизлар ишга келишади-ю, уч-тўрт ой ҳам ишламасдан бўшаб кетишади. Бўшаб кетиш сабабини суриштирсак: «Иши оғир экан, енгилроқ жой топаман ёки бўлмаса институтга ўқишга кираман» деб жавоб қилишади. Тўғри, ишимиз бироз оғирроқ. У кучни, эпчилликни ва чаққонликни талаб қилади. Менга ҳам дастлаб келган кунларим иш жуда оғир туюлган эди. Ҳатто, бўшаб кетмоқчи ҳам бўлдим. Лекин бора-бора ҳаммасига кўникиб кетдим, меҳнатда чиниқдим.

Агар ҳамма ёшлар ҳам етуклик аттестатларини олиб, ҳужжатларини олий ўқув юртларига топшираверишса, унда корхоналардаги ветеран ишчиларнинг ўрнини ким босади? Уларнинг бой меҳнат тажрибаларини ким ўрганади? Албатта, ёшлар. Ўқишга келганда эса, унинг ҳеч кечи йўқ. Ишдан ажралмаган ҳолда кечқурун ёки сиртдан ўқиш мумкин. Жумладан, бизнинг корхонамизда ҳам кечқурунлари олий ўқув юртларида билим чўққиларини эгаллаётган ишчи ёшлар кўп. Ветеран ишчилар билан бир сафда уларнинг аксарияти ўз касбини эъзозлаб, коллективда обрў ва ҳурмат топишган.

...Ҳар тонг гўё байрамга отлангандек ишга отланаман. Одатдагидек ҳар кунги иш куни мен учун катта байрам ҳисобланади. Негаки, мен ўз умримни ишчи деган шарафли касбга бағишлаганман. Зеро, биз ишчилар ўз умримизни, ўз ҳаётимизни ишчи номидек шарафли касбга бағишлаган эканмиз, шу фахрли номни доимо эъзозлаб, ардоқлаб ва қадрлаб унга бирорта ҳам гард юқтирмаслигимиз керак. Биз оталаримиз ва акаларимиз изидан бориб, уларнинг меҳнат эстафетасининг муносиб давомчиси бўлишимиз лозим.

И. ЗОИРОВ,
«Ўзбекистон» сунъий ва табиий кўн ишлаб чиқариш бирлашмаси 2-кўн заводининг пардозлаш цехи ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ОКТЯБРЬ ТЎҒРИСИДА КИТОБ

БАҒДОД. Бағдоддаги «Ал-Адиб» нашриёти Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган «Октябрь ва Социалистик мамлакатлар» номли китобни босмадан чиқарди. Китобга Улуғ Октябрнинг жаҳон революцион жараёни ривожи учун бўлган аҳамиятини тасвирлайдиган. СССРнинг Совет ҳокимияти йиллларидаги улуғвор муваффақиятларини ҳикоя қиладиган материаллар киритилган.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси, дейилади китобда, жаҳон революцион жараёни мазмунида туб ўзгаришлар бўлишига олиб келди, империализмга қарши курашни кучайтиришга кўмаклашди. Бу курашда ишчилар синфи пешқадамлик қилмоқда.

Китобда араб реакциясининг араб-совет дўстлиги негизларига путур етказиш, араб халқларининг самимий дўсти бўлган Совет Иттифоқи хусусида шубҳа-гумон уруғларини сочиш йўлида тинимсиз давом этаётган уринишларига эътибор жалб қилинган. Оқибат натижада мағлубиятга маҳкум этилган ана шу уринишлар арабларнинг миллий озодлик ҳаракатига, халқларнинг империализм, сионизм ва реакцияга қарши олиб бораётган курашига зарар етказмоқда.

Гайанадаги концерт

ЖОРЖТАУН. Маҳаллий матбуот совет эстрада артистлари группасининг Гайанадаги концертларини «халқ музикаси, қўшиқлари ва рақсларининг ажойиб паради» деб атади. Концертлар қаерда ўтмасин — Жортаундами. Линдендами ёки Нью-Амстердамдами -ҳамма ерда энг катта томоша заллари Советлар мамлакати халқларининг санъати билан танишишни истовчиларнинг ҳаммасини сиғдиришга қодир бўлмай қоларди.

Пантомима усталари, Таганкадаги Москва драма ва комедия театрининг артистлари А. Чернова билан Ю. Медведевнинг чиқишлари зўр муваффақият билан ўтди. Томошабинлар ўзбек артистлари М. Аҳмедова билан М. Қобилхўжаевни, грузиялик қўғирчоқбозларни, рус халқ рақсларининг ижрочиларини гулдурос қарсаклар билан табрикладилар.

Совет санъати усталарининг гастроллари, деб таъкидлади маҳаллий матбуот. Гайана томошабинлари СССР халқларининг маданияти билан яқиндан танишишларига имкон яратди ва пировард натижада иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Хусусий секторни рағбатлантирмоқдалар

КОЛОМБО. Шри Ланка ҳукумати кооператив ҳаракатини қайта ташкил этиш тўғрисидаги янги қонунни ишлаб чиқди.

«Сан» газетасининг хабар беришича, бу тадбирлар кооперативларга бериладиган ёрдамни камайтиришни назарда тутади. Бу эса уларнинг устидан хусусий секторнинг ғалаба қозонишига ва капиталистик йўлга ўтишига муқаррар сабаб бўлади.

Маълумки, кооператив ҳаракат яқин вақтларгача мамлакатнинг экономикаси ва ҳаётида сезиларли роль ўйнаган эди. Уни ташкил этишда асосий эътибор аҳоли энг камбағал табақаларининг аҳволини енгиллаштиришга қаратилди. Кенг кооператив тармоқлари орқали шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолиси озиқ-овқат, кийим-кечак билан, бошқа энг зарур моллар билан арзон нархларда таъминланиб турди. Кооперативлар хусусий сектор ҳамда чайқовчилар билан жиддий рақобат қила бошлади.

«Сан» газетасининг ёзишича, янги қонун ҳукуматнинг хусусий секторини рағбатлантириш ва унга мамлакат экономикасида тобора каттароқ имкониятлар бериш сиёсатини давом эттириш ниятида эканлигидан яна бир марта далолат бериб турибди.

Чехословакияда ёш авлод тарбиясига катта эътибор беріляпти. Мамлакатда жуда кўплаб болалар боғчалари ва яслилар, поликлиника ва касалхоналар ишлаб турибди, у ерда ўз касбининг усталари бўлган тарбиячилар ва врачлар хизмат қилишади.

СУРАТДА: пойтахтнинг Просек районн доктори Итка Фрикова ва ҳамшира Гелена Стуновалар бемор боланинг соғлиғини кўздан кечиришмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

„ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ВА „ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

НАЗОРАТ ПОСТИ

АГАР «СТАЛЬМОНТАЖ», «ТАШПРОМСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ПАРДОЗЛАШ БОШҚАРМАСИ, 165-КЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШГАН КОЛОННАСИ ВА БОШҚА АЙРИМ ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИЛАР ЖАДАЛЛИК БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИШМАСА ОШХОНА МЕБЕЛЛАРИ ЗАВОДИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ БАРБОД БЎЛАДИ

Ишга туширилишига бир ярим ой қолди

1978 йилда ишга туширилиши лозим бўлган саноат объектлари ичида Сергелида қад кўтараётган ошхона мебеллари заводи ҳам бор. Комплектланган заводда ҳар йили 11-13 турдаги ошхона мебеллари тайёрланади. Корхона лойиҳа қувватига кўра бир йилда 23 миллион сўмлик 123 минг комплект мебель ишлаб чиқаради. Келажакда бу ерда турар жойлар учун кўркам ва қулай мебеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Ҳозир ҳам далиллик билан айтишимиз мумкинки. завод ишлаб чиқариши лозим бўлган маҳсулотга тошкентликлар ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида яшовчилар катта эҳтиёж сезишмоқда.

Хўш. қачон қурилиш ишлари битиб, савдо тармоқларида ошхона жавонлари. столлар, стуллар пайдо бўлади?

Қурилишнинг бош пудратчиси «Ташпромстрой» тресги 57-қурилиш-монтаж бошқармасининг мажбуриятларидан объектни 13 августда — бинокорлар куни арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган бўлса-да, ҳозирча бу ерда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп.

Ошхона мебеллари заводи қурилиши йилдан-йилга чўзилиши мумкин бўлган объектлардан эмас. Қурилиш 1974 йилда бошланган бўлиб, у бу йил битказилиши шарт. Бинони фойдаланишга топшириш муддатлари яқинлашган сари бу ерда ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар борган сари кўпаймоқда.

Завод иккита асосий ишлаб чиқариш корпусидан иборат. Мебеллар ишлаб чиқариш учун маҳсулот тайёрланадиган биринчи корпусда созлаш ишлари адо этиляпти. Бу ерда ҳам бажарилмаган ишлар кўп. Лекин бош пудратчи буларни июль ойи бошига қадар тугаллашга аҳд қилган.

Иккинчи корпусда ишлар ўлда-жўлда. У ташқи томондан биринчи корпусдан унча фарқ қилмайди. Том ёпиш ишларининг ярмигина бажарилган. Бу ерда республика қурилиш министрлигига қарашли 4-махсус трест 165-кўчма механизациялашган колоннанинг том ёпувчилари ўз ишларини тезроқ тугаллашга интилишмаяпти. Улар беш ойлик планни 76 процентга, май планини эса 42 процентга адо этишди. Том ёпувчиларнинг сусткашлиги туфайли бошқа объектда ёрдамчи-пудратчилар ишлай олишмаяпти.

«Стальмонтаж» бошқармаси ҳам ошхона мебеллари заводи қурилишига эътибор бермаяпти. Бошқарма объектга кам ишчи кучи ажратган. Натижада капитал маблағларни ўзлаштиришда қолоқликка йўл қўйиляпти. Май ойида «Стальмонтаж» трести планни 13 процентга бажарди. Яъни кўзда тутилган 40 минг сўмлик ўрнига 5.3 минг сўмлик иш бажарилди. «Ташпромстрой» трестининг пардоз ишлари бошқармаси ҳам объектда ўз ишларини яхши ташкил этмаган. Иккинчи корпусда сувоқчилик, ойна солиш ва бошқа ишларга қўл урилмаган.

Ёрдамчи пудратчилар ичида ёнғинга қарши автоматлар ўрнатиш қурилиш-монтаж башқармаси ўз ишини ҳалигача бошлагани йўқ. Заводни фойдаланишга топширишга эса бир ярим ой вақт қолди.

57-қурилиш-монтаж бошқармаси, Тошкент монтаж бошқармаси, «Электромонтаж», «Промвентиляция» монтаж бошқармалари ўз план топшириқларини ошириб бажаришга эришишмоқда. Бироқ айрим ташкилотлар ўз ишларига совуққон муносабатда бўлаётганликлари туфайли баъзи қурилиш ташкилотлари унумли ишлай олишмаяпти. Масалан, иккинчи корпус қурилишида пардозчилар ўз вақтида ишларини тугалламаганликлари туфайли «Стальмонтаж» бошқармаси ва бошқа айрим ёрдамчи-пудратчилар 300 та қимматбаҳо жиҳозларни ўрнатишгани йўқ.

Беш ойлик капитал маблағларни ўзлаштириш топшириғи уддаланмади. Қурилаётган завод директори Е. Колодконинг фикрича июнь ойи плани ҳам бажарилмаса керак. Бу эса объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилишига тўсқинлик қилади.

Объектда содир бўлаётган камчиликларнинг айбдорлари бўлган ташкилотларнинг раҳбарлари қурилишда ишчи кучи камлигидан шикоят қилишмоқда. Бироқ, ҳар қандай сабабларни рўкач қилмай, объектни белгиланган вақтда фойдаланишга топшириш учун керакли барча чора тадбирларни кўриш зарур!

В. ПРУГЕР.

ТО Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Т. НОРИМОВ: Менга слесарлик касби ёқади. Шаҳримизда шу касбни ўргатадиган ўқув юрти борми?

Жавоб: Бундай ўқув юртларидан бири Куйбишев районидаги Багратион кўчаси, 4-уйда жойлашган бўлиб, унга 17, 73-автобуслар ва 22-трамвай билан борилади. Билим юртига кириш учун директор номига ариза, автобиография, маълумот ҳақидаги ҳужжат, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, ҳарбий хизматга чақирилиш қоғози ёки ҳарбий билет, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан, ота-онасининг иш жойидан справка, 4х5 ҳажмдаги 6 та фотосурат керак бўлади.

* * *

А. СОДИҚОВ: Шаҳримизда темир йўл машинистлиги касбини эгаллаш мумкин бўлган хунар-техника билим юртлари борми?

Жавоб: Бундай билим даргоҳи Жарқўрғон кўчасидаги 31-ҳунар-техника билим юрти бўлиб, у ерга Олой бозоридан 26-автобус билан «Сельмаш»дан 15 ва 23-автобуслар билан борилади.

* * *

К. ТОЖИБОЕВ: Мен Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетида кундуз куни ўқийман. Автомашина бошқаришни ўрганмоқчи эдим. Шаҳримизда «Ҳаваскор ҳайдовчи» гувоҳномасини берадиган кечки курслар борми?

Жавоб: Бундай курслардан бири Октябрь район ДОСААФ комитети қошидаги спорт-техника клубида ташкил этилган бўлиб, бу клуб Хизматчи кўча, 96-уйга жойлашган. «Ҳаваскор ҳайдовчи» гувоҳномасини олиш учун 2—2.5 ой ўқилиб, 146 сўм тўланади. Бундай клублар Чилонзор, Ленин, Собир Раҳимов ва Киров районларидаги ДОСААФ комитетлари қошидаги спорт-техника клубларида ҳам ишлаб турибди. Бу ерда ҳам кечқурун таҳсил кўришингиз мумкин.

* * *

Б. САНАҚУЛОВ: Менга енгил автомобилларга тиркаладиган прицепларни қаердан сотиб олиш ҳақида маълумот берсангиз. Бу прицепни сотиб олиш учун шаҳар давлат автоинспекциясининг рухсатномаси зарурми?

Жавоб: Сиз бундай прицепларни Фарҳод ярмаркасига жойлашган 14-магазиндан харид қилишингиз мумкин. Ҳозир магазинда 437 ва 850 сўмлик прицеплар мавжуд. Буни харид қилиш учун паспортингиз бўлиши керак. Магазиндан прицепни сотиб олганингиздан сўнг у ердагилар Сизга шаҳар автоинспекциясиси номига справка ёзиб беришади. Шу справка орқали Сиз прицепга номер оласиз.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

Шаҳар мактабларида ўқишлар тамом бўлди. Болаларнинг кўпчилиги дам олиш учун пионер лагерларига жўнаб кетишди. лекин уларнинг кўпчилиги уйда қолишди, баъзиларининг ота-оналари назорат қилиб турмайдилар. 147-мактабнинг 3-синф ўқувчиси Гулнора Дадажонова худди шундай аҳволда қолган эди. У Гвардия полковниги Хўжаев номли кўчани кесиб ўтмоқчи бўлиб, тўхтаб турган автобус олдидан йўл солди. У қаршидан келаётган енгил автомобилни сезмай қолди ва машина тагига тушди. Қиз томон машинани елдириб келаётган ҳайдовчи транспортни шартта тўхтатишга кечиккан эди. Танаси жароҳатланган қизча шаҳар касалхонасига келтирилди.

ШИФОКОР ҚАБУЛИДА

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

Фарзандингиз кўзини асранг

Баъзи болаларнинг ёшлидан кўзлари яхши кўрмайдиган бўлади, уларнинг кўзларини қандай даволаш ва асраш керак?

Л. КОМИЛХУЖАЕВА, қаҳрамон она.

Бола онадан туғма яхши кўрмайдиган бўлиб туғилса, уни тезда шифокорга кўрсатилса, даво йўллари қилинса, бола яхши кўрадиган бўлиб кетади. Ёш болаларнинг кўришдаги баъзи камчилик ва касалликларини оддий ва қулай белгилар орқали тусмоллаб билиш мумкин. Бунинг учун болани кузатиш, уни кўз врачига кўрсатиш керак.

Кўзнинг тўғри тараққиёти ва соғлом бўлиши учун бир қатор санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш даркор. Бола туғилгандан сўнг бир неча йил давомида кўз яхшиланиб ва мукаммаллашиб боради. Кўзнинг тўғри тараққий этиши учун яхши ёруғлик режим талаб этилади, шунинг учун ота-оналар имкони борича янги туғилган болаларни тоза ҳавода, қуёш нурлари ёруғлигида олиб юришлари лозим.

Ёш болаларга биринчи кунларданоқ тўқ рангли—сариқ, қизил, жигар ранг, кўк кўрсатиш лозим, лекин буларни кўзга рангли буюмларни жуда яқин ҳолда кўрсатиш ва кўзга яқинлаштириш керак эмас. Ўйинчоқлар боланинг кўзидан камида 75 сантиметр узоқда туриши лозим.

Болаларда кўз тўқимасини муҳофаза қилувчи қобилият такомиллашмаган бўлиб, ҳар хил инфекцияга берилувчандир, шунинг учун бола нимага тегса, қўлини урса, у нарса тоза бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим.

Агар болаларнинг бир ёки икки кўзи ёшланса, йирингласа ўша заҳотиёқ кўз врачига мурожаат этиш керак, чунки бу кўз шиллиқ қабати яллиғланишининг белгисидир, бу ҳолда ўз вақтида кўрилган даво чоралари, дезинфекция қилувчи томчи ҳолидаги дори-дармонлар кўзни тезликда соғайтиради.

Баъзида дезинфекция қилувчи дори-дармонлар томизилишига қарамай, кўздан ажралиб чиқаётган йирингнинг тўхтамаслиги мумкин, бу ҳолда кўз ёши қопчиғининг яллиғланиши рўй берган бўлади. Ўз вақтида бошланган даво чоралари, массаж, ювиш ёки зонд билан даволаш бу хасталикни тезликда даволайди. Агар даво чоралари биринчи белгиларидаёқ кўрилмаса, у вақтда жуда оғир асоратлар, кўз ёши қопчиғининг флегмонаси юз бериши мумкин. Бу ҳолат боланинг ҳаётини хавф остида қолдиради. Бундай хасталикни хирургик йўл билан даволаса бўлади.

Кўз касалликлари ичида туғма катаракта, туғма назла (глаукома), туғма кўз ўсмаси ретинобластома, туғма яқинни кўришлик каби бир қатор хасталиклар анча хавфлидир. Бу хасталикларни ёш болаларда биринчи ойданоқ аниқлашимиз керак.

Туғма катаракта бир ёки икки кўз қорачиғи атрофида саргимтир доғ кўриниши билан характерланади. Кўз қорачиғи қоп-қора бўлиши ўрнига саргиш, оқроқ бўлиб қолади. Бола ўз атрофидаги буюмларни кўрмайди, у фақат ёруғликни сезади, холос. Туғма катаракта хирургик усул билан олиб ташланади ва кўз ойнак тақиш тавсия қилинади. Болани бир ёки икки ёшида операция қилиш лозим, чунки акс ҳолда боланинг кўзи кўрмаса ўсишдан, психик ривожланишдан орқада қолади.

Туғма глаукома қуйидаги белгиларни беради: кўз олмаси катталашади, бу олдин ота ва онани қувонтиради, боланинг кўзлари уларга катта ва чиройли бўлиб кўринади. Ташқи пардаси, яъни олдинда тиниқ, шох қаватининг диаметри нормада 9 миллиметрга тенг бўлади. Туғма назла касаллигида бу қабат хиралашади ва катталашади (диаметри 20—22 миллиметрга тенглашади. Кўзнинг олдинги бўшлиғи камераси чуқурлашади.

Бола кўпинча безовталанади. Бу белгилар кўз ичидаги босимнинг ортганидан далолат беради. Асосан кўз ичидаги суюқликнинг оқиб кетадиган йўли яхши тараққий этмаганлиги бунга сабабчидир.

Кўпчилик вақтларда бу хасталик икки кўзда учрайди. Бундай болаларни ҳаётининг биринчи ҳафтасидаёқ тезликда операция қилиш лозим, операцияни кечиктириш кўзнинг кўр бўлишига олиб келади.

Кўз ичидаги туғма ўсма-ретинобластомада бола ҳаётининг биринчи ойидаёқ кўз қорачиғи кенгаяди ва ёруғлик таъсирини сезмайди, кўз қорачиғи олдида саргиш нурланиш кўринади (мушук кўзи каби) ва бу хасталик врачга кўрсатилмаса, уни ўлимга олиб боради. Бу хасталикни даволаш комплекс ҳолда олиб борилади, касал кўз тезликда олиб ташланади, сўнгра химиявий ва рентген радиоизотоп нурлари билан даволанади.

Туғма яқинни кўриш ва туғма ўзгаришлар — ҳар хил кўз қабатларининг бўлимлари тараққиётидаги камчилик натижасидир. Бу камчилик, бола 2—4 ойлик бўлганда кўриш реакциялари ҳосил бўлиши билан аниқланади.

Бу ёшда болада иккала кўзнинг бир вақтдаги ҳаракати, ота-онани билиш реакцияси, ўйинчоқларнинг ҳаракатларини кузатиш кўрилади. Юқорида кўрсатилган ҳолатлар болада бўлмаса, кўзи ғилай, кўриниши ҳаяжонли, (кўзи сувда оқаётгандек), бунинг устига кўз қорачиғи ёруғликдан таъсирланмаса, демак кўриш пасайганидан далолат беради. Бундай ҳолда касалликнинг сабабини қидириш керак, фақат кўз врачига мурожаат қилиш керак.

Шундай қилиб, болалардаги кўз хасталигини ёшлигиданоқ билиш учун, уни ўз вақтида даволаш учун, имконият борича кўриш қобилиятини тиклаш учун болаларни кўзига ва кўриш қобилиятига алоҳида эътибор бериш керак. Шунинг учун туғруқхонада, айниқса боланинг бир-икки ойлик вақтларида ҳар бир болани кўз врачига кўрсатиш лозим. Болаларнинг кўзини ва кўриш қобилиятини эҳтиёт қилинг, бу табиатнинг бизга берган бебаҳо, энг олий маҳсулидир.

Ҳ. МИРЗАЕВ,
Ўрта Осиё Педиатрия медицина институтининг кўз касалликлари кафедраси доценти, медицина фанлари кандидати.

Шаҳримиздаги кўп тармоқли 17-касалхона дори тайёрловчилари ўзларига топширилган ҳар бир ишга сидқидилдан ёндошадилар. Сиз суратда: (чапдан) шу дорихона ассистенти Лутфи Зуфарова ва химик Севара Нуриддиноваларни дори тайёрлаш пайтида кўриб турибсиз.

И. Шоиногомов фотоси.

ОРАСТА БЎЛИНГ

Оёқ терламаслиги, касалга чалинмаслиги учун нима қилиш керак? Шу ҳақда маслаҳат берсангиз.

К. НАИМОВ, ишчи.

Инсон доим ҳаракатда бўлади, шунинг учун оёқлар кўп ишқаланади, терлайди, кирланади. Ҳар куни ишдан қайтгандан кейин оёқларни албатта иссиқ сув билан яхшилаб совунлаб ювиб, қуруқ қилиб артиш керак. Кечқурун марганцовканинг оч пушти рангдаги эритмаси билан ванна қилинса яна ҳам яхши бўлади. Бунда оёқда ҳид қолмайди ва теридаги баъзи зарарли микроблар ўлади.

Пойафзал енгил ва қулай бўлиши керак. Иложи борича синтетик пойафзалларни киймаслик ёки кийганда ҳам уларни тез-тез алмаштириб туриш шарт. Пойафзалнинг жуда катта бўлиши, пайпоқни текис киймаслик натижасида товон, кафт ва панжа оралари шилинади, пуфакча пайдо бўлади. Бундай пайтда пуфакчаларни ва уларнинг атрофини спирт ёки атир билан артиш, спиртда тозаланган қайчида қирқиб сувини чиқариб юбориш, кейин марганцовка билан то яллиғланиш аломатлари йўқолгунча примочка қилиш керак. Шундан кейин 2 процентли нафталин пастасидан ёки руҳ пастасидан қўйиб яра жой боғлаб қўйилади.

Одатда тор пойафзал қон айланишини қийинлаштиради, оёқ панжаларининг қийшайиб ўсишига сабаб бўлади. Ёзда босоножкага ўхшаган очиқ оёқ кийими кийиш керак. Оёқ кийимини тўғри танламаслик кўпинча тирноқни этга кириб ўсишига сабабчи бўлади.

Баъзи кишиларнинг оёғи кўп терлайди. Оёқни тез-тез ювмаслик, пайпоқни вақтида алмаштирмаслик, ҳавони ёмон ўтказадиган синтетик пайпоқларни узоқ вақт ечмаслик шунга олиб келади. Бир литр сувга дуб дарахти пўстлоғи настойидан 2 ош қошиқ қўшиб, оёқ панжаларини ҳар куни аччиқ тошнинг 10 процентли эритмаси билан ёки пардоз сиркаси билан, ё бўлмаса атирнинг тенг миқдордаги сув билан аралаштириб артиш керак. Бунинг кетидан қуйидаги порошоклардан сепиш тавсия қилинади. 10 грамм аччиқ тош, 15 грамм тальк ёки борат кислота билан тальквни тенг миқдорда қўшилган, ё аралашмаси бўлмаса уротропин билан аралашмаси ишлатилади. Шунингдек, кечқурун оёққа совуқ сувда марганцовка билан ванна қилиш, кейин оёқни лимон шираси билан ёки «Финиш» суви билан артиш, ҳафтада 1— 2 марта 5—10 процентли формалин ёки терга қарши қалам суртиш мумкин.

Агар оёқ жуда қаттиқ терласа 2 процентли йод настойкаси, «Формидрон» суртиш ва юқорида келтирилган порошоклардан оёққа, айниқса панжа ораларига, шунингдек пайпоқ ичига сепиш тавсия этилади. Оёғи терлайдиган кишилар тағи резинка ёки капрон пойафзал киймасликлари керак.

• Сўраган экансиз...

Газетхон саволларига жавоб

Ш. ТУРСУНОВА: Саратон кунларида кишини офтоб урса ва иссиқ элитса, нима қилиш керак? Бундай кишиларга қандай медицина ёрдами кўрсатиш керак бўлади?

Жавоб: Чиндан ҳам саратон кунлари узоқ бошяланг юрилса, офтоб уриши мумкин. Офтоб урган кишининг боши қаттиқ оғрийди, кўнгли айнийди, қусади, иситмалайди. Бошга кўп қон келиши сабабли юз қизариб кетади.

Бадан ўта қизиб кетганда ҳам баъзан иссиқ элитади. Одам иссиқ, дим кунларда ҳаво нам жойда ёки жуда дим бинода турганида шундай бўлади. Иссиқ элитган кишининг боши қаттиқ оғрийди, кўнгли айнийди, қусади, бўшашади, тез-тез нафас олади, ҳадеб терлайверади, юраги тез-тез уради, яъни юрак ўйноғи бошланади.

Иссиқ элитган кишини дарҳол салқинсоя жойга ёки бостирма тагига ётқизиш, бошини кўтариброқ қўйиш, сув ичириш, кийимининг ёқасини, сиқиб турган тугмаларини ва камарини ечиш, бошига ва кўкрагига сув сепиш керак. Иссиқ элитган киши нафас олмаётган ёки жуда суст нафас олаётган бўлса, сунъий нафас олдириш ва врач чақириш керак.

* * *

Н. АҲАДОВ: Ҳурматли редакция! Газета саҳифасида гастроэнтерология таълимоти ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Гастроэнтерология ҳазм органлари физиологияси ва касалликлари ҳақидаги таълимот бўлиб, медицинанинг бир тармоғидир. Меъда ва ичакнинг турли касалликлари билан бирга меъда раки, гепатит, жигар циррози, холецистит, панкреатит, меъда ости безн раки ва бошқа касалликларни ҳам ўрганади.

Сўнгги йилларда радиоизотоп диагностика, лапароскопия, фиброгастроскопия, меъда-ичак йўлининг турли қисмларидан олинадиган аспирацион биопсия, жигар ва меъда ости безини пункция қилиб биопсия олиш амалда кенг қўлланилмоқда. Тўқималарнинг ҳаёт вақтида тузилишини ўрганиш, улардаги биологик актив моддалар ва ферментлар миқдорини аниқлаш клиник практикага жорий қилинганлиги туфайли ҳазм органларининг касалликларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ютуқларга эришилди.

СССРдаги медицина илмий тадқиқот институтлари билан бир қаторда Тошкент Давлат медицина институти, Ўзбекистон ўлка медицинаси илмий тадқиқот институти гастроэнтерология проблемалари устида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

* * *

А. ҒУЛОМОВ: Мен Совет Армиясида хизмат бурчини ўтаган пайтимда касаллик сабабли бир неча кун госпиталда бўлдим. Хўш, ана шу госпиталларнинг тарихи қандай?

Жавоб: Госпиталь— ҳарбий хизматчиларни даволайдиган муассасадир. Европанинг бир неча мамлакатлари ва АҚШда баъзи граждан даволаш муассасалари ҳам шу ном билан аталади. Ҳарбий беморларни махсус жойларда даволаш даставвал мелоддан аввалги биринчи асрда Римда пайдо бўлган. Ўрта асрлардаги салб юришларида ҳам касал ва ярадорлар алоҳида жойларда даволанганлар. Мунтазам армиялар тузилгач (XV аср), ярадор ва бемор аскарларни махсус даволаш муассасалари ташкил этилган. Биринчи госпиталь Испаниядаги Малага шаҳри қамал вақтида 1477 йили юзага келган. 1579 йилда госпиталь устави таъсис қилинган. Госпиталлар XVI — XVII асрларда Франция, Англия, Пруссия ва Россияда ташкил қилинган.

* * *

Б. МУХТОРОВ: Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда витаминларнинг роли жуда каттадир. Мен шу ўринда витаминли ўсимликлар ҳақида билишни истар эдим.

Жавоб: Витаминли ўсимликлар — барги, меваси, гули ва бошқа органларида витамин ҳосил қилувчи ўсимликлардир. Витаминларнинг аксарияти деярли барча ўсимликларда учрайди. Масалан, А. витамини каротин моддаси бўлган қизил сабзи, салат, исмалоқ, отқулоқ, кўкпиёз, карам, помидор, ўрик, олхўри, беда, оқсўқта ва бошқа ўсимликларда; В группа витаминлар карам, картошка, пиёз барги ва буғдой мағзида; С витамини асосан смородина, наъматак меваси ва бошқа ўсимликларда; Д витамин замбуруғларда кўп бўлади. Е витамини ғаллада, К витамини яшил баргларда, помидорда учрайди.

• Фан ва техника янгиликлари

ПРОГРАММА БЎЙИЧА

Янгийўл биохимия заводида ачитқи етиштириш жараёнини бошқариш системаси билан таъминланган тажриба-саноат установкаси синовдан яхши ўтиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Уни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика институтининг олимлари махсус ишлаб чиқилган математик модель асосида яратдилар. Установка жараённинг боришини назорат этиб ўзи бошқариб туради, белгиланган технология режимдан заррача бўлсада четлашишини сеза қолади. Натижада ачитқининг сифати ошади, уни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар камаяди.

ИЖОДИЁТ ЗАМИНЛАРИ

Республика Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг олимлари ёзиб тугатган илмий асар «Санъат маданияти ва ижодкор ёшлар» деб аталади. Тадқиқотда ижодкор зиёлилар ёш авлоди дунё қарашининг шаклланиши ва ғоявий эътиқодига, ёшларнинг маънавий-эстетик тарбиясига тааллуқли масалалар кўриб чиқилган. Авторлар маданий бойликларни яратувчи санъаткорнинг социал масъулиятини, шу масъулиятнинг тарбиявий аҳамиятини алоҳида бўрттириб кўрсатганлар.

НЕФТЬ СУВ «ҚОПИДА»

Мамлакатда биринчи марта нефть қувур орқали сув ёрдами билан ташила бошлади. Нефть ҳайдашнинг бу усули Ўзбекистоннинг жанубида қазиб чиқазилувчи ғоят «қовушқоқ нефть» ҳайдашда ишлатилди. Бу қимматли хом ашё баъзан қувурларга тиқилиб қоларди. Шунинг учун 28 километрли қуштор-лалмикор қувурини бошдан оёқ қиздириб туришга тўғри келарди.

Эндиликда қувурга сув берилади ва оқим орасида насослар нефтни ҳам юбориб туради. Шундай қилиб, сув «қопида»ги хом ашё пировард пунктга қадар бемалол етиб боради.

Нефтни сув ёрдами билан ҳайдаш ишчилар сонини камайтиришга, нефть ташиш харажатларини арзонлаштиришга имкон берди.

ЯНГИ НАСОСЛАР

Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоғистон далаларида УНП—200—5 ва УНП—300 экспериментал насос установкалари ғўзани суғоришда ишлатила бошланди. Улар эгатларга бир секундда 200 ва 300 литр сув бера олади. Янги установкалар насосга олдиндан сув қуйишни талаб қилмайди, уларнинг ярми сувга ботириб қўйилади. Агрегатларни ирригация билан шуғулланувчи Тошкент давлат махсус конструкторлик бюроси ишлаб чиқди.

ФЕСТИВАЛЬ СОВРИНИ

Польшанинг Краков шаҳрида ўтказилган қисқа метражли фильмлар XV халқаро кинофестивалининг «кумуш аждар» совринни Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида суратга олинган «Бобо» картинасига берилди. Саккиз минутли бу ҳужжатли лента кекса авлод кишиларига бағишланган, улар нақадар ҳурмат-эҳтиромда эканликлари тўғрисида ҳикоя қилади. Фильмни режиссер Даврон Салимов сценарийчи Светослав Благов билан ҳамдўстликда яратган.

(ЎзТАГ).

63-ҳунар-техника билим юртини бу йил кўплаб ёшлар битириб чиқишади.

СУРАТДА: бир группа битирувчи ўқувчилар навбатдаги имтиҳонидан сўнг ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

Р. Альбеков фотоси.

---

41 СССР ЧЕМПИОНАТИ

ЧИРОЙЛИ ЎЙИН ҚАНИ?

Футбол ишқибозларини хурсанд қилаолмаган ана шундай ўйиндан кейин «аттанг» дейиш жоизмикин? Чиндан ҳам, «Пахтакор» ўтган душанба куни ўзининг майдонида номуносиб ўйин ўтказганлиги, ачинарли мағлубиятга учраганлиги албатта ҳар қандай ишқибозни ҳам таажжублантиради. Ана шу ўйинда юз берган кўнгилсизликларни яна қайтадан эслаб кўриш мушкул. Бой берилган ўйин кўп нарсани ўйлаб кўришга мажбур этади. Чунки олдинда чемпионатнинг талай учрашувлари турибди, тегишли хулосалар чиқариб олиш, «Пахтакор» қойил қиладиган, уддасидан чиқа-оладиган ўйинларга чинакамига, жанговарчасига мослашиш учун ҳали етарли вақт бор.

Ўтган йилнинг охирида ва шу мавсумнинг бошланишида «Пахтакор» ниҳоят ўзининг жозибали тактик маҳоратини эгаллаганлигини, тошкентлик футболчиларнинг ўйини такомиллашганлиги, қизиқарлилиги, ғоятда натижалилиги билан бизнинг ҳаммамизни мамнун этган эди. «Пахтакор»нинг ҳужумчилари ўйин сайин рақиб дарвозасини қаттиқ қуршовга олиб ўз ҳисобларига талай урилган тўпларни ёза бошладилар. Бу муваффақият футбол мутахассисларининг ҳам, коментаторларининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Лекин команданинг ўйини ана шундай жозибали ва силлиқ давом этмади. Унинг ўйинлари янада такомиллашуви ўрнига бирмунча бўшаша бошлади. Аввалига футбол ишқибозлари ва коментаторлари ҳам «Пахтакор»га кўз тегмасин деб юришди. Матбуотда бир қатор мақтовли материаллар пайдо бўлгандан кейин «Пахтакор» қатор муваффақиятсизликка учрай бошлади.

Мана ниҳоят ҳисоблашадиган вақт келди. «Пахтакор»нинг қатор муваффақиятсизлиги уни турнир жадвалининг охирги ва ҳатто энг хавфли ўринигача суриб қўйди. Бу аҳволни спартакчилар билан ўтказилган кечаги ўйин қутқариши мумкин эди. Лекин бахтга қарши бу сафар ҳам пахтакорчиларнинг омади юришмади. Нима учун? Ана шу саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Майдон эгалари спартакчилар билан учрашувнинг биринчи бўлимидаёқ муваффақиятсизлик нишонасини кўрсатиша бошлади. Ғоятда суст ва сочилган ҳолда ўйнашди. Меҳмонлар ўйин сустлик билан давом этишини дарров пайқаб, пахтакорчиларнинг ҳужумидан чўчишга ҳеч қандай ўрин йўқлигига тўла ишондилар. Улар дадиллик билан рақибларининг штраф майдонида тез-тез пайдо бўла бошладилар. Бундай ёриб ўтишларнинг айримлари ғоят хавфли бўлди. Спартакчиларнинг пешқадами Ярцев биринчи бўлимнинг ўзидаёқ Чечетин дарвозаси олдида қулай маррани бир неча бор эгаллади. Ўйиннинг 17-минутида рақиб ҳужумчиси Чечетин билан юзма-юз чиқди ва тўпни дарвозага бемалол киритиши мумкин эди. Ярцевнинг ён бурчакдан кучли зарб билан тепган тўпи дарвозабон қўлига бориб тушди.

Ярцевнинг ана шундай шиддатли ҳужумлари бахтга қарши пахтакорчиларни бирор марта ҳам безовта қилмади. Ўйинчиларимиз Ярцевнинг ҳужумларини қайтариш ўрнига, унинг бемалол ва енгил ҳаракат қилиши учун шароит яратиб беришди. 35-минутда жиддий вазият юз берди. Ярцев «Пахтакор»нинг ҳимоячилари қуршовини ёриб чиқди ва кутилмаганда тўпни дарвозага киритди. Фақатгина Чечетин дарвоза ичига кириб бораётган тўпга қўлини узатганча қолди.

Ўйиннинг биринчи қисмида пахтакорчиларда бир қатор қулай имкониятлар бўлди. Ан ва Чуркин тўп киритиладиган ҳолатлардан усталик билан фойдаланишмади. 42 минутда Загуменних киритган тўп тасодифан юз берди. Тошкентликларнинг ҳимоячиси тўпни баландлатиб тепиши билан дарвозабон хатоликка йўл қўйди ва унинг қўлидан сирғалиб кетган тўп тўрга бориб тушди.

Ҳисоб 1:1. Бу ҳисоб рақиблардан қай бирига бўлмасин умид имконини беради. Бу имкониятдан чинакам жанговарчасига шайланган командагина фойдаланиб ғалабага эришиши мумкин. Бизнинг ҳамшаҳарларимиз, афсуски ўзларининг жанговар сифатларини намойиш қилишолмади, улар ташаббусни москваликларга бериб қўйишди. Булгаковга нисбатан қилинган қўполлик учун белгиланган жарима тўпини Ярцев нишонга туширгандан кейин ғалабага бўлган ишонч мутлақо йўқолди. Спартакнинг ана шу ўйинчиси 70 минутда ўз ҳаётида биринчи марта олий лигада хет-трик услубида учинчи тўпни дарвозага киритиб ҳисобни 1:3 натижага етказди.

Бу муваффақиятсизлик пахтакорчиларнинг турнир жадвалидаги аҳволини ғоятда мушкул қилиб қўйди. Чунки ҳамшаҳарларимизнинг Киевда маҳаллий «Динамо» билан ўтказадиган учрашувини ҳисобга оладиган бўлсак аҳвол ғоятда жиддий. Яқин келгусидаги ўйинлар «Пахтакор» учун албатта машаққатли бўлади. Лекин ана шу бўлғуси ўйинлар пахтакорчиларда футболга меҳнатсеварлик билан муносабатда бўлиш фазилатлари бор ёки йўқлигига жавоб беради.

Ўтган турнирнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан якунланди: «Локомотив» — «Черноморец»— 0:3, «Қайрат»— «Динамо» (Киев)—0:0, «Арарат»— «Динамо» (Москва)— 1:4, «Нефтчи» —«Заря» —2:1, «Зенит» — «Днепр»— 2:2.

Э. АВАНЕСОВ.

«ПАХТАКОР» ҲАҚИДА 15 ФИКР

Константин БЕСКОВ,

СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери ва хизмат кўрсатган тренер.

Биз ўйиндан сўнг ўз йигитлари билан футболчилар хонасига хурсанд ва ҳаяжон билан кириб бораётган москвалик спартакчиларнинг устозига мурожаат қилдик:

— **Константин Иванович, аввалдан келишувимизга мувофиқ ўйин ҳақидаги ўз мулоҳазаларингизни билдирсангиз.**

— Мени авф этасиз, «Пахтакор» тўғрисида, айниқса унинг бугунги «қизиққон» ўйини ҳақида бирор нарса дейишим мушкул... Лекин тошкентлик футболчиларнинг бугунги — спортчиларга хос бўлмаган ўйинидан қаттиқ ранжидим...

— **Бироқ, умуман олганда ўйин қизиқарли ўтди. Шундаймасми?**

— Ҳа, албатта. Бизнинг томонимиздан қизиқарли бўлди. Аммо тошкентликлар-чи? Улар тез-тез ўйинга «жиддий тус» беришиб, айрим ўйин эпизодларида ўзларини ғайри-табиий ҳолда тутишди. Биринчи таймдаёқ Сидоровимиз жароҳатланиб, майдонни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Ўйин охирида эса Гавриловга нисбатан яна қўпол ўйнашди. Оқибатини кўрдингиз— уни ҳам қўлда кўтаришган ҳолда майдондан олиб чиқишди...

Биз спартакчилар устозининг эътирозларига қўшилмадик. Ваҳоланки, пахтакорчилар томонидан ўйин қоидаси қўпол равишда бузилган экан, бутун ўйинни яхши маромда олиб бораётган судья Ю. Сергиенко нима учун қоидани бузган пахтакорчиларга огоҳлантириш бермасдан туриб, аксинча спартакчи Гавриловга огоҳлантириш берди?..

— **Шундай бўлсада Константин Иванович, Сиздан ўйин ҳақида бир-икки оғиз гапириб беришингизни илтимос қиламиз.**

— Ундай бўлса, келинг, суҳбатимизни аввал учрашувга баҳо бериш билан бошлаймиз. Чиндан ҳам мен тан оламан, ўйин биз учун муваффақиятли тугади. Чунки «Пахтакор» билан бўладиган ўйинга қадар команданинг асосий составидан Сорокин, Ловчев чиқиб кетишганди. Ҳидиятуллин эса бир неча ўйиндан четлаштирилганди. Аксига олиб бир қатор тажрибали ўйинчиларимизнинг йўқлиги июнга. «Пахтакор» билан бўладиган учрашувга тўғри келиб қолди. Ўз майдонингдаги ўйин ўйинла. «Пахтакор»нинг келажаги ҳақида нима дейиш мумкин? Бу ҳақда бирор бир қатъий фикр билдириш қийин. Аммо команда олдида кўпгина муаммолар мавжуд. Энг муҳими, менимча пахтакорчилар ўзларини майдонда тутишлари тўғрисида ўйлаб кўришлари керак.

Редактор
ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

БУ СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИ

Сиз автомобиль, мотоцикл, мопед, мотороллер сотиб олдингиз. Дам олиш кунлари сиз оилангиз билан шаҳар чеккасида дам олишингиз, жонажон ўлка бўйлаб отпускада сайрга чиқишингиз мумкин. Аммо кўча ва йўлларда транспорт қатнови йилдан-йилга тиғизлашмоқда, тезлик ортмоқда, бу эса транспортда ҳодисаларнинг кўпайишига олиб келади.

Транспорт воситалари ҳақида кўнгил тўқ бўлиши учун уни страхование қилишни тавсия этамиз. Бундай шартномани бир йилга икки ойдан тўлиқ 11 ойгача муддатга тузиш мумкин. Транспорт воситасини ундан қанчалик фойдаланилганлигига қараб ўз қиймати даражасида страхование қилиш мумкин. Страхование тўлови страхование суммасининг миқдорига боғлиқ. Страхование баҳоси қанчалик кўп бўлса, ундан ундириладиган тўлов шунчалик кам бўлади. Мисол учун, автомобиль 50 сўмга страхование қилинган тақдирда бир йиллик тўлов страхование суммасининг 3 процентини ташкил этади. 3 минг сўмга страхование қилинганда эса —1,5 процентни ташкил этади. Мотоциклни 20 сўмга страхование қилинганда бир йиллик тўлов страхование суммасининг 2 процентини, 800 сўмга страхование қилинганда эса атиги —1 процентни ташкил этади.

Транспорт воситасини страхование қилдирган шахсларга, агар улар икки йил сурункасига аварияга йўл қўймаган бўлса, янги шартнома тузиш вақтида ундириб олинадиган тўлов суммасининг 10 процентни ҳажмида скидка берилади, 3 йил ва ундан ортиқ муддатга эса —15 процент.

Страхование шартномаларини Госстрах агентини чақирган ҳолда яшаш жойида ёки иш жойида расмийлаштириш мумкин.

Тўловларни бухгалтерия ва яшаш жойи орқали нақд пулсиз ёки страхование агентига нақд пул билан тўлаш мумкин.

НИКОҲ-ШОДИЁНА СТРАХОВАНИЕСИ

Унинг асосий мақсади 2 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг ота-оналари ва қариндошларига муайян жамғарма тўплаш ва страхование муддати тугагач ва қайд қилинган никоҳ арафасида йигит ва қизга тўлаш учун ёрдам беришдир.

Бу жамғармалардан уй-рўзғор буюмлари, кооператив квартира сотиб олиш ёки келин-куёвнинг саёҳатида фойдаланиш мумкин.

Страхование қилинган болалар 25 ёшгача никоҳланмаса, страхование суммасига 14 процент қўшиб берилади. Страхование суммасининг миқдори страхование тузаётган шахс билан страхование органлари ўзаро келишилган миқдорда (камида 300 сўмгача) страхование шартномаси тузилиши мумкин.

Болаларнинг соғлиғи ёмонлашса ёки шартнома қоидаларида кўрсатилган ҳодисалар натижасида бола касалманд бўлиб қолса, у ҳолда бу бола страхование қилинган ҳисобланади.

Страхование суммаси шартнома муддати тугагандан сўнг, взносларнинг ҳаммаси тўлиқ тўланган ёки тўланмаганлигидан қатъий назар, (бола ҳалок бўлганда ҳам) қайтариб берилади.

Никоҳ-шодиёна страхованиесини 20 ёшдан 67 ёшгача бўлганлар (оталар, оналар, буви, бобо, хола, амаки, катта акалари ва оналари) тузишлари мумкин.

Страхование взносларини нақд пулсиз иш жойи бухгалтерияси орқали ёки страхование агентига нақд пул билан тўлаш мумкин.

ҲАЁТНИНГ АРАЛАШ СТРАХОВАНИЕСИ

ШАХСИЙ СТРАХОВАНИЕНИНГ ЭНГ КУП ТАРҚАЛГАН ТУРЛАРИДАН БИРИ ҲАЁТНИНГ АРАЛАШ СТРАХОВАНИЕСИДИР

Ҳаётнинг аралаш страхованиеси шартномалари 16 ёшдан 65 ёшгача бўлган СССР граждaнлари билан 5, 10, 15 ёки 20 йил муддатга тузилади. Аммо страхование муддати охирида унинг ёши 70 дан ошмаслиги керак.

Страхование гувоҳномасида кўрсатилган страхование суммаси қуйидаги ҳолларда тўланади:

страхование муддати тугаганда;

лат ейиш, ярадор бўлиш, куйиш, совуқ уриши, суяк синиши, заҳарли ўсимликлар, химиявий моддалар ёки сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан қаттиқ оғриши ҳамда баҳорги —ёзги энцефалит ёки полиомиелит билан оғриши натижасида умумий меҳнат қобилиятини тўла йўқотганда:

страхованиечи вафот этганда.

Агар страхование шартномаси «Б» тарифи бўйича тузилган бўлиб, страхование қилдирувчи умумий меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда тўланиши лозим бўлган страхование суммаси икки баравар кўпаяди.

Агар страхование шартномаси «Б» тарифи бўйича тузилган бўлса, страхованиечи бахтсиз ҳодиса натижасида умумий меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда тегишли сумма икки марта кўп тўланади.

Ҳаётнинг аралаш страхованиеси бўйича страхование ҳодисаси юз берганда страхованиечига ёки унинг томонидан тайинланган шахсга келишилган сумма тўланади. Бунда давлат социал таъминоти бўйича унга тўланадиган сумма ва зарарни қоплаш тартиби билан тўланадиган сумма бундан истиснодир.

Страхование шартномаси биринчи взнос тўлангандан сўнг кучга киради.

Бир ойлик страхование взноси миқдори страхование суммасига, страхование муддатига ва страхование қилдирувчининг шу ҳақда ариза берган кундаги ёшига боғлиқдир.

БОЛАЛАР СТРАХОВАНИЕСИ

Ёш болалар —оз ташвиш, катта болалар —кўп ташвиш деган нақлда катта мазмун бор.

Оилада кичкинтойлар бўлса қувончлидир. Уларга ғамхўрлик қилиш ҳам ёқимли, ҳам сермашаққатлидир.

Госстрах ота-оналарнинг ўз болаларига ғамхўрлик қилишларидаги ишларнинг бир қисмини ўз устига олади.

Болаларни страхование қилишдан мақсад —болаларнинг ота-оналарига озгина ойлик взноси билан уларга маълум бир жамғарма яратишдир. Бу жамғарма страхование муддати тугагач, йигитга ёки қизга тўланади.

Болалар страхованиеси шартномаларини қанчалик тез тузсангиз, ойлик взнос ҳажми шунча кам бўлади. Страхование шартномасини тузиб тўплаган жамғармангиз фарзандингиз мустақил ҳаётга қадам қўяётганда жуда лозим бўлиб қолади.

Страхование шартномаларини 300, 500 ёки 1000 сўмга тузиш мумкин. Страхование муддати ариза берилган кундаги боланинг ёши билан — 18 ёш ўртасидаги тафовут билан белгиланади. Масалан, бола 8 ёшдан катта бўлмаса шартномани қисқартирилган муддатга— 10 йилга тузиш мумкин. Ҳар ойлик страхование взноси боланинг ёши ва страхование суммасига боғлиқ.

Страхование шартномаларини фақат ота-оналаргина эмас, балки боланинг бошқа қариндошлари ҳам тузишлари мумкин.

Госстрах органлари страхование муддати тамом бўлгандан сўнг шартномада кўрсатилган страхование суммасини ёки страхование қилинган боланинг бахтсиз ҳодиса натижасида соғлиғи қаттиқ зарарланганда, оғир касалланганда унинг бир қисмини тўлайди. Бундан ташқари страхование қилдирувчига 200 сўм нафақа берилади ва ҳамма тўланган взнослар қайтариб берилади.

Страхование взнослари нақд пулсиз ёки страхование агентига нақд пул билан тўланиши ёхуд Госстрах агенти томонидан берилган махсус расчет дафтарчаси бўйича омонат кассасига тўланиши мумкин.

ЗАРАРНИ ҚОПЛАЙДИ

Чорва моллари масалан, ёнғин, портлаш, яшин уриш, электр токи таъсири, офтоб ёки иссиқ уриш, зилзила, тошқин, ўпирилиш, бўрон, қаттиқ шамол, дўл, йиртқич ҳайвонларнинг ҳужуми, заҳарли ўсимликлардан тасодифан заҳарланиш, илон ёки заҳарли ҳашаротларнинг чақишидан ўлса, қачонки ҳайвонлар чўкса, транспорт босиб кетса, дарага қулаб тушса ёки бошқа жароҳатлардан нобуд бўлса, шунингдек, мутахассис ветеринар кўрсатмасига биноан мажбурий сўйилган тақдирдагина тўланади.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!
ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИК ҲАЙВОНЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИШ ШАРТНОМАЛАРИНИ УЗ ВАҚТИДА ТУЗИНГ ВА ИЛГАРИЛАРИНИ ЯНГИ МУДДАТГА ТИКЛАНГ!

Страхование тўловларини иш жойи бухгалтерияси орқали нақд пулсиз ёки страхование агентига нақд пул билан тўлаш мумкин.

АГАР СИЗ ШАРТНОМА ТУЗГАН БЎЛСАНГИЗ...



Сиз янги квартира олдингиз. Уни замонавий мебеллар билан жиҳозлашга, севган китобларингизни, гиламлар, телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси, зарур уй-рўзғор предметлари сотиб олишга жуда кўп меҳнат ва вақт сарфлагансиз.

Афсуски, ҳали кўпчилик қандайдир тасодиф ҳодиса—ёнғин, иситиш системасидаги авариялар мол—мулкка зиён етказиши мумкинлигини эътиборга олмайди.

ҲУРМАТЛИ УРТОҚЛАР!
УЙ ЖИҲОЗЛАРИНИ СТРАХОВАНИЕДАН УТКАЗИШ СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИДИР

Госстрах белгиланган шартномага кўра етказилган зарарни қоплаш учун страхование суммаси миқёсида пул тўлайди. Уй жиҳозларини исталган нархда страхование қилиш мумкин, аммо у буюмнинг ҳақиқий қийматидан ошмаслиги лозим. Шартнома 2 ойдан 11 ойгача ва бир йилдан 5 йилгача муддатга тузилади. Тўловлар бир йилга страхование қийматининг ҳар 100 сўмига 10 тийиндан 25 тийингача ҳажмда тўлаб борилади. Бунда яшаш жойи ва мол-мулки сақланадиган бинонинг ёнғинга чидамлилиги ҳисобга олинади.

Қишлоқ жойларда ҳар 100 сўмдан 15 тийиндан 30 тийингача тўланади.

Уч йил ва ундан ортиқ муддатга страхование қилинган тақдирда тўлов қийматининг 10 процентни ҳажмида скидка берилади.

Шартномани яшаш жойи ёки иш жойидаги Госстрах инспекцияси ва страхование агентликларида тузиш мумкин.

БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРДАН СТРАХОВАНИЕ

Бахтсиз ҳодиса натижасида меҳнат қобилиятини йўқотган ҳар бир киши страхование шартномасини тузган бўлса, ГОССТРАХ органларидан моддий ёрдам олади.

Давлат страхование органлари 16 дан 70 ёшгача бўлган ишчилар, хизматчилар, колхозчилар, студентлар ва уй бекалари билан бир йилдан беш йилгача муддатга бахтсиз ҳодисалардан страхование шартномалари тузади.

Страхование суммаси ёки унинг тегишли қисми страхование қилдирувчи қуйидаги бахтсиз ҳодисалар натижасида умумий меҳнат қобилиятини тўла ёки қисман йўқотганда тўланади:

Жароҳатланганда (лат ейиш, ярадор бўлиш, суяк синиши, куйиш, совуқ уриши, электр токидан ва йиқилишдан шикастланиш);

заҳарли ўсимликлар, химиявий моддалар ва сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан тасодифан қаттиқ оғриб қолганда;

баҳорги-ёзги энцефалит ёки полиомиелит билан оғриганда, шартномада кўрсатилган шундай ва шунга ўхшаш сабаблардан вафот этганда.

Страхование взноси ҳажми страхование суммасига боғлиқ бўлиб, хизматчилар, ўқувчилар ва уй бекалари учун — бир йилга ҳар юз сўмдан 25 тийин, колхозчилар, ишчилар ва баъзи касб эгалари учун — 50 тийин, шофёрлар учун — 80 тийин, химия ва тоғ-кон саноати ишчилари учун 1 сўм 20 тийин.

Уч йил ва ундан ортиқ муддатга шартнома тузилганда 5 процентдан 15 процентгача ҳажмда взносдан скидка қилинади. Страхование взносини иш жойидаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ёки нақд пул билан бевосита Госстрах агентига тўлаш мумкин.

ИМОРАТЛАР СТРАХОВАНИЕСИ

Агар Сиз шахсий уйга, дачага ёки гаражга эга бўлсангиз, албатта иморатлар страхованиеси шартномаларини тузинг.

Ёнғин, портлаш, яшин уриши, сув тошқини, зилзила, бўрон, довул, жала, дўл, қулаш, силжиш, тўсатдан ер ости суви чиқиб кетиши, қалин қор ёғиши, сел келиши, иситиш системалари, водопровод ва канализация тармоқларининг аварияга учрашидан қурилишлар нобуд бўлса ёки яроқсиз ҳолга келса, страхование шартномасига мувофиқ Давлат страхование органлари давлат чакана савдо баҳосига биноан етказилган зарарни тўлайди.

Иморатлар страхованиеси шартномалари бир йилга тузилади.

Страхование тўловлари ҳар 100 сўм страхование суммаси учун бир йилга шаҳарда 50 тийин, қишлоқ жойларида 70 тийин.

Страхование тўловларини иш жойингиздаги бухгалтерия орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан ёки страхование агентига нақд пул билан тўлашингиз мумкин.

Страхование муддатингиз тугаётган бўлса, янги муддатга яна шартнома тузишни унутманг.

Страхование шартлари ва шартномалар тузиш қоидалари билан Госстрах район (шаҳар) инспекцияларида ёки Госстрах агенти орқали танишиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ГОССТРАХ РАЙОН ИНСПЕКЦИЯЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ, ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИ:

ЛЕНИН РАЙОНИДА — Сапёрная кўчаси, 116. Телефон: 33-60-67.
КУЙБИШЕВ РАЙОНИДА — Карл Маркс кўчаси, 59. Телефонлар: 33-10-27, 32-35-93.
КИРОВ РАЙОНИДА — Энгельс кўчаси, 68. Телефон: 35-60-85.
ФРУНЗЕ РАЙОНИДА — Ш. Руставели кўчаси, 38. Телефон: 53-74-75.
ОКТЯБРЬ РАЙОНИДА — Ҳамза кўчаси, 10. Телефон: 44-35-34.
ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДА — Муқимий кўчаси, 6 «а». Телефон: 77-22-23.
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДА — Қорасарой кўчаси, 270. Телефонлар: 48-35-30, 48-37-40, 48-36-00.
ҲАМЗА РАЙОНИДА — М. Ҳасанова кўчаси, 2. Телефонлар: 96-43-50, 90-43-02.
СЕРГЕЛИ РАЙОНИДА—Спутник шаҳарчаси, 1-квартал, 70. Телефон: 53-83-68.

ТЎЛОВЛАРНИ ИШ ЖОЙИДАГИ БУХГАЛТЕРИЯЛАР ОРҚАЛИ МАОШДАН УШЛАБ ҚОЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЁКИ СТРАХОВАНИЕ АГЕНТИГА НАҚД ПУЛ БИЛАН ТЎЛАШ МУМКИН.

СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАЛАРИНИ ГОССТРАХ АГЕНТИНИ ЧАҚИРГАН ҲОЛДА ЯШАШ ЖОЙИДА ЁКИ ИШ ЖОЙИДА РАСМИЙЛАШТИРИШ МУМКИН.

ҚАДРЛИ ЎРТОҚЛАР! СТРАХОВАНИЕ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИНГИЗ ВА ЎЗ ВАҚТИДА УЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАНГИЗ. БУ — СИЗ УЧУН ФОЙДАЛИДИР!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШ БОШҚАРМАСИ.
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

28 ИЮНЬ, 1978 й. «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Р—03341. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1345.